

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 19 июнь • сешанба • № 72 (4045)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Тошкент шаҳрида 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция давомида эришилган келишувларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ушбу мамлакатдаги вазирлик барқарорлаштириш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўмақлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон ўтган давр мобайнида Афғонистон ҳукумати, АҚШ, ХХР, Россия, Халқаро мулоқот гуруҳига аъзо мамлакатлар, Евроосиё минтақаси, Жанубий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари вакиллари билан бу борда қатор маслаҳатлашув учрашувлари ва музокаралар ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистон бўйича форум доирасида бир овоздан қабул қилинган, минтақавий ва глобал миқёсда тинчликка эришиш, терроризмга ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни назарда тутувчи Тошкент декларацияси ушбу йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун муҳим сиёсий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент конференцияси иштирокчиларининг умумий позициясини рўйбга

чиқариш мақсадида Ўзбекистон тегишли алоқалар ўрнатиб, Толибон ҳаракатининг юқори мартабали вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Афғонистонда узок муддатли тинчлик-барқарорлик ўрнатиш ва мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракатининг Рамазон ҳайити нишонланиши муносабати билан ўзаро ўт очишни тўхтатиш тартибини жорий этганини олқишлади. Ўзбекистон ушбу ярашув Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг ўт очишни тўхтатиш тартибини узайтириш тўғрисидаги қарорига амал қилган ҳолда муддатсиз тус олишига умид қилади.

Қарор топаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташаббусига асосланиб, Ташқи ишлар вазирлиги тинчлик жараёнининг барча босқичларида Ўзбекистон ҳудудида Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ташкил этиш учун зарур шароитлар яратишга ҳар томонлама тайёр эканини тасдиқлайди.

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июнь



САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ёшларни кичик бизнесга жалб қилиш, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатиш мақсадида қасаба уюшмалари томонидан жойларда семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. «Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси доирасида 35 нафар ёш Сирдарё туманида жойлашган «PENG SHENG» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолияти билан таништирилиб, тадбиркорлик ва уни юритиш, ходимлар билан муносабат, яратиладиган меҳнат шароитлари юзасидан тегишли тушунчалар берилди.

Қутлуғ кун, яъни ийд рамазон ҳайити куни юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилгулик воқеа бўлиб ўтди.

ИСЛОМ ОЛАМИДА УЛКАН ВОҚЕЛИК

Биз халқимизнинг ислом оламида тутган ўрни, муқаддас динимиз арконлари, алаҳқусус фикр илми, ҳадисшунослик ва бошқа йўналишларда улкан мерос қолдирган улуғ аждодларимиз билан ҳар қанча ифтихор қилсак, арзийди. Зеро, имом ал-Бухорий, Термизий бобларимизнинг саҳиҳ ҳадислари, имом Мотуридий ва бошқа кўплаб олим-у улаомларнинг ислом дини софлиги йўлидаги бекиёс хизматларини бутун дунё аҳли эътироф этади. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда Ислам цивилизацияси марказини барпо этиш борасидаги ташаббуслари ана шу улкан ва бекиёс меросга муносиб бўлиш йўлидаги қатта қадам сифатида баҳоланади.

Рамазон ҳайити куни эса Президентимиз ушбу марказ тамал тошини қўйдилар. Президент жаноб олийлари мазкур марказни бунёд этишдан кўзланган мақсад, унга жуда қатта эҳтиёж мавжудлигини изохлаб, бу борда Ўзбекистон мусулмонлари идораси олдидан турган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

«Обод маҳалла» дастури — амалда

Хайрли ишлардан кўнгиллар равшан

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Обод маҳалла» дастури халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, уларни ҳаётдан рози қилишдек эзгу мақсадларга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳам дастур доирасида одамлар билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг дарадига қўлоқ тутиш ва муаммоларини ҳал этишга оид саъй-ҳаракатларни изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Тепазузар» маҳалласида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари ана шундай хайрли ишлардан биридир.



Дарҳақиқат, мазкур маҳалла ҳудудини ободонлаштириш бўйича навбатини кутаётган муаммолар талайгина эди. Халқ орасида «Яшасин кўпчилик» деган нақл юради. 1000 нафарга яқин ташаббускор фаоллар «Тепазузар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини обод этишга ўз хисасини қўшди. Улар томонидан 27 та кўп қаватли уй атрофи

ҳамда 1500 метрдан зиёд ирригация тармоқлари, яъни ариқ ва зовулар тозаланди, сув йўллари очилди. 1000 дан ортиқ бетартиб ўсган дарахтга шакл берилди ва оқланди. Теваракатроф тартибга келтирилиб, 100 тоннадан зиёд чиқиндидан тозаланди. Шунингдек, ўнқир-чўнқир ер майдонлари текисланиб, бегона ўтлар ўрилди. Ушбу ишларга 4 та юк машинаси, бир

нечта кўтарма кранлар, электр арра ва бошқа техник воситалар жалб этилди. «Тепазузар» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг эҳтиёжларини ўрганиш жараёнида кўп қаватли уйлар атрофида болалар майдончаларининг деярли мавжуд эмаслиги, биттагина майдонча ҳам таъмирга муҳтож эканлиги аниқланган эди. Ана шуларни ҳисобга ол-

ган ҳолда бугунги кунда ушбу маҳалла ҳудудида Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 8 та янги болалар ва 1 та бадминтон майдончасини қуриш, 1 та болалар майдончасини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Болалар ва спорт майдончалари қуриб битказилган, кичкинтойлар учун мўлжалланган замонавий аттракционлар билан жиҳозланди.

КУН НАФАСИ



Фарғона вилояти ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Акмалхон Ортиқов, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлигига эса Шухрат Тешаев тайинланди. *Fergana.uz*

Тошкент метросининг «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» бекатларида синов тарихисидан Wi-Fi хизмати ишга туширилди. Интернет тест режимида ишлаётгани учун ташқи сайтларга улана олмайдди. Симиэз тармоқ орқали метрополитенга оид маълумотлар билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, у китоблар, мусикалар ва фойдали ахборотларни ҳам қамраб олади. *Repost.uz*

БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни билдирди. *Kun.uz*

БМТ бош қотиби Антониу Гутерреш Афина ва Скопье ўртасида Македониянинг янги номи бўйича имзоланган келишувни маъқуллаб, томонларни уни ратификация қилишга чакирди. Гутеррешнинг эътирофи эътишча, БМТ ҳар икки давлат саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. *Kun.uz*

Германиянинг Берлин шаҳрида жаҳоннинг энг кучли паралимпиячилари сузиш бўйича куч синашди. Улар орасида ҳамюртимиз Фирдавс Мусабеков 50 ва 200 метрга «брасс» усулида сузиш бўйича жаҳон ва Осиё рекордларини янгилади. Музаффар Турсуноҳмаев 200 метрга «баттерфляй» усулида сузишда Осиё рекордини ўрнатди. *Xabar.uz*

Қашқадарё вилоятининг Миришкор тумани ғаллакорлари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб давлатга ғалла топшириш режасини ортиги билан бажарди. Улар 17 иш кунини режадаги 48 минг 300 тонна ўрнига 50 минг тонна дон топширди. *ЎзА*

Ислам Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида янги терминал ишга туширилди. Бугунги кунда аэропортда 4 та йўловчи терминали, 2 та учини-кўнни йўлагини, турли русумдаги самолётлар учун 101 та тураргоҳ мавжуд. Пойтахт аэропортидан 10 та маҳаллий ва 40 дан ортиқ халқаро йўналишларда катновлар амалга оширилади. *МАК ахборот хизмати*

Ўзбекистон АҚШнинг Галлуп институти томонидан тузилган дунё давлатлари хавфсизлиги рейтинг

гида бешинчи ўринни эгаллади. Рўйхатдаги дастлабки ўринларда Сингапур, Норвегия, Исландия ва Финляндия бўлса, охири икки ўринда Афғонистон (45 балл) ва Венесуэла (44 балл) қайд этилди. *Daryo.uz*

Фаластинликлар Газо секторидан туриб Исроил томонга учта ракета учирди. Аввалроқ Исроил армияси Газо секторининг жанубий ҳудудларини ўққа тутгани маълум қилинган эди. Исроил армияси эса зарбалар фаластинликларнинг Исроил билан чегарада ёнувчи жиёмлар ўрнатилган ҳаво шарларини учирганига жавобан берилганини маълум қилди. *Gazeta.ru*

Европа иттифоқи Крим ва Севастополь бўйича санкцияларни расман узайтирди. Маълум бўлишича, санкциялар 2019 йилнинг 23 июнига қадар узайтирилди. Ушбу санкциялар Крим ёки Севастополдан ЕИГА махсуслотлар импорти, Крим ёки Севастополга инвестициялар киритишга чекилов қўяди: Европа компаниялари Кримда кўчмас мулк ёки объектларни сотиб ололмайди, уларнинг Крим компанияларини молиялаштириши тақиқланади. *ЕИ Кенгаши сайти*

Тошкент давлат Аграр университетининг етти нафар энг иқтидорли талабалари айни вақтда Халқаро «ISAS – 2018» ёзги мактабда ўз малака ва билимини оширмоқда. Қозғистонда бўлиб ўтаётган ёзги мактабда МДХдаги ўн еттита энг йирик университет вакиллари иштирок этмоқда. *ЎзА*

Жорий йилнинг 20 июнь куни Мирзо Улуғбек Инновация марказида (МУИС) Европа тикланиш ва тараққиёт банки инновация маркази резидентлари учун «АКТ соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва АКТ соҳасидаги компаниялар учун янги имкониятлар» мавзусида амалий семинар ўтказилди. *ЎзА*

Япониянинг Осака шаҳрида кучли zilзила содир бўлиб, унинг оқибатида 310 киши жабрланган. Шунингдек, 110 мингта хонадон газ таъминотисиз қолган, 170 мингта уйда эса электр энергияси йўқ. *Aif.ru*

КХДРда ядро ракеталари ва қуроли ишлаб чиқишда фойдаланилувчи тахминан 3 мингта объект ҳамда иншоотлар бор. Бундай маълумот сунғий йўлдош суратлари асосида олинган. КХДР ядро ва ракета объектларини текшириш ҳамда инспекциядан ўтказиш вақтида яширин иншоотлар борлиги аниқланса, турли қўриқчиларни чинағилликлар ҳам келиб чиқиши мумкин. *«Мунхва ильбо» газетаси*

Хайрли ишлардан кўнгиллар равшан



Таъкидлаш жоизки, худудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари доирасида кўп қаватли уйлар атрофида кулай ўриндик ва соябонларга эга аҳоли дам олиш жойлари барпо этилмоқда, йўлақлар олди ва уйлар орасига 8 та замонавий хордик айвончаси, 190 та ўриндик, чикинди ташлаш учун 190 та махсус идиш – урна ўрнатилмоқда. Худуддаги даракларни сугориш учун ер ости сув тармоғини тортиб келтириш ишлари ҳам режалаштирилган. Маҳаллада истиқомат қилаётган нурунийлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ, уларнинг мазмуни хордигини таъминлаш мақсадида худуддаги «Оталар чойхонаси»да катта кўламадаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Авваллари, болаларимизни ўйнатиш учун жой тополмасдик. Маҳалламизда болалар майдончаларининг қурилиши нафақат фарзандларимиз, балки биз, ота-оналар учун ҳам катта совға бўлди, — деди дилдаги хурсандчилигини

яшира олмай 26-уйда яшовчи Лилия Ломанова. — Давлатимиз раҳбарига ва мана шу хайрли ишларга ўз хиссасини қўшаётган барча-барчага раҳматлар айтаман. Биз доим шаҳримиздаги бошқа тоза ва озода масканларга ҳавас қилардик, энди бизнинг маҳалламиз ҳам худди ўша маҳаллалардек обод бўлишидан беҳад мамнунмиз.

— Қисқа вақт ичида юз берган катта ўзгаришлардан аҳоли жуда мамнун, — дейди «Тенгузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдували Умаржонов. — Бугун бу маскан чирой очиб, кўнгилларни нурафшон этмоқда. Айниқса, дам олиш айвончалари, болажонлар учун ўйингоҳлар қурилаётгани кўнгилларни янада равшан этмоқда.

Дарҳақиқат, «Обод маҳалла» дастури доирасидаги ишлар турар жойларимизнинг обод бўлишини таъминлабгина қолмай, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига ҳам йўл очмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати



Семинар

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Навоий вилояти туман ва шаҳарларида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда фермерлар салоҳиятини ошириш юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Конимех туманида бўлиб ўтди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти, хукук-тартибот органлари, савдо-саноат палатаси, вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, халқ таълими, мактабгача таълим тизими, фермерлар уюшмаси вакиллари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Семинарда болалар меҳнатига қарши курашиш ҳамда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, болалар меҳнатини тартибга солиш бўйича

халқаро ва миллий конунчилик метёрлари ҳақида асосий тушунчаларга оид маърузалар тингланди. Шунингдек, ХМТ эксперти Олена Важинская иштирокида ишга ёллаш жараёнида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати қалтисликларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалалари бўйича амалий машғулот уюштирилди.

Шундай семинарлар Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Кармана, Навбахор, Нурота, Хатирчи каби туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Дилфәрўз ҲУЗОВА, «Ishonch» мухбири

Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида истиқомат қилувчи ака-ука Ислонжон ва Азизбек Рўзибоев 2016 йил хонадонида товۇқ боқишни йўлга қўйди. —10 сотихли томорқада бино қуриш, таъмирлаш ва мослаштиришга 40 миллион сўм сарфланди, — дейди Ислонжон Рўзибоев. — Оилада 12 жонмиз. Паррандачиликка бор куч ва ғайратимизни бердик. 2 минг бош товۇқ кунига 1600 та тухум берди. Оиламизга кунига 100 минг сўм фойда қолади.


Йўқдан бор бўлган кредит

Маҳалламиздаги 2 та кам таъминланган оила вакилини ҳам ишга олганмиз. Улар ҳозир «кам таъминланган» деган тоифадан чиқиб, ўзларини тўтиб кетишди. Бу атрофда тухум етиштириётган тадбиркорлар йўқ. Махсулотимиз тевақалдаги дўконлардан ортмайди. Икки йил ичида 40 миллион сўмдан зиёд даромад олдик. Рўзгоримизни бутлаб, уй-жойимизни таъмирладик. Фойда билан зарар бир хуржунинг кўзиди, лекин ҳалол меҳнат қилinsa ва ташвишдан қочмас, паррандадан зарар кўриш эҳтимоли қамқор бўлади.

Бинони кенгайтириш, 2 минг товукни 7 минг бошга чиқариш, озука захирасини жамғариш учун 25-30 миллион сўм кредит маблағи ажратишни сўраб «Халқ банки»га бир неча бора мурожаат қилдик. Аммо ишимиз битмади, имтиёзлисини беришмади. Хонадонимизда бўлган республика Ишчи гу-

руҳи кўмаги билан бизга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда имтиёзли кредит ажратилганидан бўлди. Бундан ташқари, парранда боқишга алоҳида жой ҳам сўраган эдик. Бўш ётган ерлардан иш юритишимиз учун туман ҳокимлиги ва туман ер ресурслари ҳамда давлат кадастри бўлимига ҳам бир неча мартаба мурожаат қилдик. Бу ердан 20 чакирим олис бўлган Марказий Фарғона қўли ерларидан тавсия қилишди. Шунча масофага ҳар куни катнаш бизга маъқул эмас. Ишчи гуруҳи ҳам бу масалани ўрганиб чиқиш ҳақида мутасаддиларга тавсия беришди.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, эл-у юрт корига ярайман, дастурхонимизни тўкин-сочин қиламан, деб елиб-юғураётган йигитларга нима учун банк шу вақтгача кредит ажратмаган? Худудга бириктирилган 4-сектор раҳбари нега уларни қийнаётган муаммо



САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — келажагимиз пойдевори

Бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Жумладан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Тадбиркорликда янги давр бошланди» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, унда 60 нафар ёш тадбиркорнинг иштироки таъминланди. Ёшлар эҳтимол тутилган муаммо ва говлар ҳақида ўзаро фикр алмашиб, тажрибали тадбиркор ва ҳуқуқшунослар маслаҳатига қулоқ тугтилди.

— Йил бошидан буён 13 та гуруҳда жами 300 нафар бошлангич касаба уюшма кўмити раислари иштирокида ўқув-семинарлари ташкил этилди, — дейди Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Баҳодир Хамиджонов. — Мазкур ўқув-семинарларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ижроси ва Ёшларга оид концепцияси тўғрисида маъруза тингланди. Туман ва шаҳар кенгашларининг барчасида жамоатчилик асосида ёшлар бирлашмаси фаолияти йўлга қўйилди.

Айтиш мумкинки, амалий ишлар натижа бериб, ўз касбининг фидойисига бўлган, кизиқувчан ёшларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш ва кўмак бериш янада осонлашди. «Ёш мутахассис» кўрик-танловининг дастлабки босқичлари совриндорлари сўзимизга яққол исботдир.

— Илк бор шундай нуфузли танловда иштирок этдим. Тўғриси, ғолиб бўлиш ҳақида ўйламаганим ҳам, — дейди Боёвут тумани «Жайхун баракаси» фермер хўжалиги раҳбари, ёш фермер Азизбек Орзиқулов. — 34 гектар майдонда галла, пахта етиштириб, бўшаган ерга такрорий экинлар экамиз. 5 нафар доимий ишчимиз бор. Хўжалигимизга қарашли тикуччилик цехида 3 нафар чевар меҳнат қилмоқда. Кези келганда шунини айтишни истардимки, дала меҳнати учун ҳам билим ва кўникмаларни доимий ошириб бориш зарур ҳисобланади. Танловдаги иштироким давомида илғор фермерлик тажрибалари билан ҳам танишдим.

— «Энг фаол ёш олим» деб эътироф этил-

ганимдан хурсандман, — дейди номинация ғолиби, Гулистон давлат университети Биология кафедраси докторанти Баҳром Алмамов. — Устозим Ҳабибжон Кўшиев билан биргаликда «Картошка ривожланишига стероид бирикмаларнинг таъсирини ўрганиш» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқдам. Мақсадим — вилоят иқлим шароитига чидамли, эртапишар, сифатли махсулот навини аниқлаш. Бу нафақат вилоятимиз, балки республикамиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга, чунки халқимиз севиб истеъмол қиладиган ушбу махсулотнинг деярли ярми ҳозирда юртимизга қўшни давлатлардан келтирилади.

Ёшлар масаласи, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ушбу жараёнда касаба уюшмаларининг фаол иштироки ўта муҳимдир. Бу ёшларнинг мурожаат ва таклифлари сони ортиб бораётганида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Дарҳақиқат, юртимизда фаолият кўрсатаётган имомхатиблар, таълим муассасаларида диний таълим бераётган устозлар ва юртимиз уламоларининг илмий салоҳияти, илмий изланишларнинг кўлами, даражаси, олиб борилаётган ишлардаги изчилик бизни қониқтира оладими? Шу борада сўз юритар экан, мухтарам юртбошимиз масалага танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, йўл қўйилаётган бир қатор камчиликларни таҳлил қилиб бердилар. Ислон цивилизацияси маркази нафақат юртимиз мусулмонлари учун, балки бутун ислом олами учун ҳам ўзинга хос марказ сифатида шаклланиши зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Мазкур марказ Самарқанд ва Термиз шаҳрида очилган ил-

мий тадқиқот марказлари билан бирга мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ислом оламига етуқ олимлар, малакали, билимли мутахассисларнинг етишиб чиқишига замин бўлиб хизмат қилиши лозим-

Ислон оламида улкан воқелик

Бу борада халқаро Ислон Академияси билан ҳамкорликни кучайтириш, ҳамжиҳатлик ва уйғун фаолиятни йўлга қўйиш мақсада мувофиқ бўлади, дедилар Президент.

Марказ таркибида маданий меросимиз ва тарихий обидаларни намойиш этидиган музей барпо этилиши ҳам

қўзда тутилган. Бу музейда юртимизнинг турли минтақаларида сақланиб қолган буюк аждоғларимизнинг макбаралари, қадимий тарихий ёдгорликларнинг макетлари ҳамда турли экспонатлар жой


олади. Ислон цивилизацияси марказининг асосий вазифаларидан яна бири буюк боболаримизнинг дин ва фан соҳасида ёзиб қолдирган бебаҳо меросини илмий асосда тадқиқ қилиш, уларнинг энг муҳимларини саралаш, қўлёзма ва тошбосма асарларини ўзбек ва хорижий тилларга ўғириб, чоп этишдан

иборат. Айни пайтда 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзма асар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Уларни илмий истеъмолга киритиш, кенг оммани уларнинг маънавий-маданий қувватида баҳраманд қилиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар сирасидандир.

Бундай масъулиятли ишларнинг ўз вақтида адо этилиши халқимизнинг маънавий олами бийитиши баробарида диний соҳадаги билимларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз. Шу маънода Ислон цивилизацияси марказининг иш бошлаши халқимиз диний-маърифий ҳаётида тарихий воқеа сифатида баҳолашига лойиқ.

Шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Тадбиркорлик



Қарор ва ижро

Самарқандда ҳам «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга замонавий газ плиталарининг навбатдаги босқичи етказиб берилмоқда.

Кўмакдан мамнун диллар

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари йўл қўйиб, шарт-шароитлар ўрганилиши туфайли оилалардаги ички муаммолар, ҳеч кимга айтилмаган дардлар юзга чиқаётди. Қишлоқдаги катта муаммолардан бири табиий газга бўлган эҳтиёжидир. Ҳарчи аҳолининг кенг қатлами арзонлаштирилган газ баллонлари билан таъминланаётган бўлса-да, айрим фуқароларимиз бу имкониятдан бебаҳра қолаётгани ҳам айни ҳақиқат. Эндилкида буни-да қишлоқдаги газ плиталари ва газ баллонлари бепул етказиб берилмоқда.

— Ҳаётда беш қўл баробар эмас. Тақдирнинг синовни туфайли рўзгордаги баъзи камчиликларни бартараф этишга қурбимиз етмаётган эди, — дейди Булуғур туманидаги «Исори Ўроқли» маҳалласида яшовчи Қумуш Мамаражабова. — Бизга ажратилган замонавий газ плитаси ва газ баллонини топширишганида кўзларим ёшланди. Ўчоққа ўтин қалашдек галвадан қутулдик. Бизни ўйлаб қилинган саволини ишдан қўнгилмиз тоғ-де қўтарилди.

Қарор доирасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар уйларини таъмирлаш, сурункали бемор инсонларни соғломлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Жорий йилда турли дардга чалинган 96 нафар шифоталаб инсоннинг даволаниши учун 384 миллион сўм миқдордаги маблағ ажратилган.

— Кўп йиллар мобайнида юрак етишмовчилиги дардидан азият чекиб келаман, — дейди Пайриқ туманида яшовчи Инобат Хасанова. — Соғайиш учун кўп ҳаракат қилдим. Аммо моддий имкониятимиз тўлиқ муолажа олишни қўтармаётган эди. Давлатимиз томонидан ажратилган имтиёздан фойдаланиш насиб этди. Касаба уюшмалари томонидан 4 миллион сўм миқдордаги маблағ вилоят кардиология марказига ўтказиб берилди. У ерда яхши даволаниб олдим. Ўзимни анча бардам ҳис этайман. Шу билан зора дарддан фориғ бўлиб кетсам...

Имтиёзли кредит асосида икки бошли соғин сигир харид қилган Самарқанд туманида яшовчи Нилуфар Узокова ҳар куни сут-қатикдан хонадонига 30 минг сўм даромад келтиришдан мамнун. Қарор шарофати билан кўнгли ярим инсонларнинг муаммолари бартараф этилмоқда. Бу эса одамларни мамнун қилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Лазиз РАҲМАТОВ, журналист

Бугун ижтимоий фикрда Ғарб маданияти ва турмуш тарзини «оммавий маданият» деб аташ кенг тарқалган. Бунга тадқиқотчилар ва журналистлар катта ҳисса қўшапти. Масалан, бир ҳамкасбим ўзининг ёстиқдай китобида бирорта ҳат асосли далил келтирмай «оммавий маданият инсоният яратган бутун тамаддунинг барбод бўлиши хавфини кучайтирмоқда», деб ёзса, бошқа бири уни «миллий маданиятнинг кушандаси», «ёвуз, одамзоднинг фикрлашига тиш тирноғи билан қарши», «оломонни ташкил этувчи манқуртларни шакллантирадиган», «маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган» мутлақ зарарли нарса деб таърифлайди. Улар «оммавий маданият» ни қоралаб, бутун Ғарб маданияти ҳақида салбий фикр шакллантираётганини пайқашмайди ҳам. Ажабланарли ҳол шундаки, улар Ғарб маданияти ҳақида битта ҳам ижобий фикр билдиришмайди. Бир журналистимиз эса бутун мамлакатга «мен «оммавий маданият» га қаршиман. Маънавиятга дахл қиладиган ҳар қандай кино ва кўрсатувларга қаршиман», деб жар солади. Ундай бўлса, биз қаҳрамони бошқа эркак қаллиғини йўлдан ургани учун «Титаник»ни, инсондаги қўпол кучни ва одам ўлдиришни мавзу қилган «Гладиатор»ни, инсон эҳтиросларини кўрсатишга қаратилган Ф.Феллини фильмларини кўрмаслигимиз, милитаристик фикрлари учун эса Гегель ва Ницшени ўқимаслигимиз керак экан-да?!

Шахсий фикр



Оммавий маданият ОҒУМИ?


Илгари Ғарб маданияти ва турмуш тарзини «оммавий маданият» атаб, уни мутлақ қоралаш одати бизда йўқ эди. Мансабдор бир «мутахассисимиз» оммавий маданиятга «ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм» манбаи деб таъриф бергач, айрим тадқиқотчилар ва журналистларимиз бу фикрни кенг ёйишга тушди. Энг таажубли томони шундаки, уларнинг бирортаси ҳам нафақат Ғарб маданияти ва турмуш тарзини, ҳатто маданиятнинг қандай сирли ва зиддиятли қонунилари борлигини синчиқлаб ўрганмаган, бу борала арзигулик тасаввурга эга эмас. Аслида, қайд этилган ҳеч қандай ихтиро йўқ. 1979 йил 16-17 октябрда бўлган идеология ходимларининг Бутуниттифок кенгашида Ғарбнинг «оммавий маданияти» диди паст кишиларга мўлжалланган, онгини захарловчи, зўравонликни тарғиб этувчи, маънавиятни емирувчи ва шахсни таназзулга етакловчи оғу экани таъкидланган. Бизнинг маънавиятшуносларимиз «оммавий маданият» тушунчасини ушбу идеологик кўрсатмалардан олаётганини, Ғарб маданияти ва турмуш тарзига қарши фикрларида унга таянаётганини билишмайди, билишса ҳам бунни сездиришмайди. Уларга ўз фикрини кашфиёт қилиб кўрсатиш муҳим. Агар «оммавий маданият» шундай зарарли нарса бўлса, нега Ғарб давлатларига Осиёдан ҳар йили 4 миллиондан зиёд киши гоҳ қонуний, гоҳо ғайриқонуний тарзда кўчиб боради? 2018 йилнинг ўзида Германияга 1 миллиондан зиёд шарқликлар кочиборгани нима дейсиз? АҚШга ҳар йили 2 миллиондан зиёд жанубий америкаликлар кочибор ўтади. Нима учун ахир? Нега давлат бошқарув тизимимиз (Президентлик институти, икки палатали парламент, суд ва молия бошқаруви, бозор иқтисодиёти), таълим ва кадрлар тайёрлаш, ҳарбий тузилмалар Ғарбга тақлидан ташкил этилган? Қурилаётган янги бинолар, ҳовлилар европача услубда эканлигидан қувонаётганимизнинг босни нимда? Устимиздаги жинси шимлар, такаётган галстукларимиз, «бизнес», «кластер», «лизинг», «сколже», «линей», «партия» каби сон-саноксиз сўзлар Ғарбдан келган-ку?!

Ғарб тафаккури ўзини ўзи танқид қилиш тамойилига қуришган. Антик давр файласуфлари жамият, давлат, маънавий аҳамиятларини танқид қилишнинг аҳамиятига айланган. Бу танқид Ницше нигилизмда ўзининг чўққисига чиққан. У бутун Ғарб маданияти, ахлоқи, дини ва анъаналарини рад этган, улар ўрнига «янги ахлоқ», «янги дин», «янги кадриятлар» яратмоқчи бўлган. Нигилизм, у ёки бу даражада, XX аср Ғарб файласуфларининг деярли барчасида кузатилади. Агар улар маданиятнинг элитар (аслозодларга, озчиликка мўлжалланган) ва оммавий (халққа, кўпчиликка мўлжалланган) кўринишларга ажратса, бу

хали халқ маданиятининг рад этилишини, у ғайри-ахлоқий иллатлардан иборатлигини аниқламайди. Ғарбда кўлланиладиган «оммавий маданият» (mass culture), бизда ишлатиладиган «халқ маданияти» га тўғри келади. Ғарб тадқиқотчиларининг фикрларига кўра, кенг халққа мўлжалланган (Т.Адорно), оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, ёйиш (Э. Хааг), илмий техник кашфиётлар орқали миллионлаб нусхаларда тарқатилиш, истеъмол неъматли сифатида бозорга олиб чиқиш (Д.Макдональд), келиб чиқиши, мавқеи ва машғулотида катти назар — барчани мулоқот қилишга қоралаш (М.Маклюэн), ижтимоий ҳаётда демократлашувни ифодалаш (Г. Ганс), кишилар маънавий эҳтиёжларини кенгайтириш (Д.Уайт) оммавий маданиятга хос. Танқидчи ёзувчиси, кўплаб детектив романлар муаллифи Ж.Х.Чейз оммавий маданиятнинг кишиларни руҳий зўриқтидан халос қилувчи, хорлик воситаси, тажрибали социолог Б. Розенберг эса «умминсоний ҳодиса», деб атайди. Кўриниб турибдики, Ғарб олимлари ва мутахассислари «оммавий маданият»га илмий техник инқилоб даврига хос, ОАВ орқали кенг тарқалган неъматлар, ижтимоий ҳаёт демократлашувининг ифодаси сифатида қарайдилар. Улар индустриал ривожланиш пул топиш имкониятини кенгайтириб кишиларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириганини, хордик чикаришни уюштириш алоҳида санъат соҳасига айланганини, демократия истеъдод фаолият ва ижод турини, хордик чикариш усулини эркин танлаш ҳуқуқини бераётганини Ғарбда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мутлақлаштиришга интилиш кучли, бизда эса улар ахлоқий нормалар доирасидадир. Айна шунинг учун ҳам Шарқда қонуналарни реал кучга айлантириш, уларни ҳаётга тўлиқ таъбиқ қилиш юқори даражада эмас. Ғарб тасаввурини Шарқда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини етарли қувватга эга. Индустриаллаштириш натижасида кейинги икки аср мобайлида уй жиҳозлари, радио, телевидение, кўл соати, автомобильлар оммавий истеъмол маҳсулотларига айланди. XVIII асрда, масалан, биз чўмилидиган ванна энг бадавлат кишилардагина бўлган. Француз зодагонлари ўз кизини ваннаси бор кишиларга (ҳатто бу кишиларнинг ёши, кизини севиш ёки севаилгани ҳисобга ҳам олинмаган) беришга интилган. Бугун ванна ҳар бир хонадонда бор. XIX аср бошларида энг бой, бадавлат киши кўл соати тақини имконига эга эди. Автомобиль тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Индустриаллашган Ғарб ноёб, қимматбаҳо нарсаларни оммалаштириди, бугун оддий кишилар ҳам улардан баҳраманд. Индустриаллаштириш ўз наъбатига иқтисодий демократияни, яъни очик бозорларни тақозо этди. Бозор иқтисодиёти эса, ўз навбатида, оммавий маданиятнинг ривожланишига туртки берди. Ғарб ушбу тараққиёт босқичларини ўзининг тарихий тажрибаси сифатида эслайди, унда юзага келган истеъмолчилик, пул топишига берилиш, ҳаётдан қайф-у сафо излаш, «оммавийлик қочиб», ўзи учун яшаш истаклари каби салбий ҳоллар ҳам юзага келганини тан олади, уларни танқид қилади. Бу Ғарб тафаккурига хос бўлган анъанадир. Шарқ ва Ғарбни қиёслаётганда, кейингисини баҳолаётганда, аввало,

пориноиндустрия шаклланган. Лекин у қонун доирасида, зўравонликни тарғиб этмаган тарзда фаолият юротади. Унинг маҳсулотларини кўрасизми ёки йўқ — сизнинг ихтиёрингиз, у сизнинг тарбиянгиз ва маданиятингизга боғлиқ. Бу ҳам ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликдир. Бизнинг маънавиятшуносларимиз мана шу ўзига хосликка қарши.

Оммавий маданиятни кенг воқеликка айлантирган оммавий ахборот воситалари ва индустриаллашган жамиятдир. АҚШда ҳар юз кишига биттадан газета, ҳар олти юзга яқин кишига биттадан журнал,



йилига ҳар бир кишига ўнга яқин номда китоб нашр этилади. Дунёдаги энг йирик телеинтернет компаниялари АҚШ ва Европада жойлашган. Улар истаган ахборотни, манбани санокли докилардан ичиди дунёга тарқатиш қувватига эга. Индустриаллаштириш натижасида кейинги икки аср мобайлида уй жиҳозлари, радио, телевидение, кўл соати, автомобильлар оммавий истеъмол маҳсулотларига айланди. XVIII асрда, масалан, биз чўмилидиган ванна энг бадавлат кишилардагина бўлган. Француз зодагонлари ўз кизини ваннаси бор кишиларга (ҳатто бу кишиларнинг ёши, кизини севиш ёки севаилгани ҳисобга ҳам олинмаган) беришга интилган. Бугун ванна ҳар бир хонадонда бор. XIX аср бошларида энг бой, бадавлат киши кўл соати тақини имконига эга эди. Автомобиль тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Индустриаллашган Ғарб ноёб, қимматбаҳо нарсаларни оммалаштириди, бугун оддий кишилар ҳам улардан баҳраманд. Индустриаллаштириш ўз наъбатига иқтисодий демократияни, яъни очик бозорларни тақозо этди. Бозор иқтисодиёти эса, ўз навбатида, оммавий маданиятнинг ривожланишига туртки берди. Ғарб ушбу тараққиёт босқичларини ўзининг тарихий тажрибаси сифатида эслайди, унда юзага келган истеъмолчилик, пул топишига берилиш, ҳаётдан қайф-у сафо излаш, «оммавийлик қочиб», ўзи учун яшаш истаклари каби салбий ҳоллар ҳам юзага келганини тан олади, уларни танқид қилади. Бу Ғарб тафаккурига хос бўлган анъанадир. Шарқ ва Ғарбни қиёслаётганда, кейингисини баҳолаётганда, аввало,


юқоридаги каби ижобий томонларни эътироф этишдан бошлаш, ёш ақл эгаларини ана шундай кашфиётлар қилишга ундаш керак. Мутахассисимиз маданият муаммоларига оид диссертация тайёрласа ёки 500, 600 бетлик китоб ёзса-ю, унда Ғарб маданиятнинг ютуқлари ҳақида бир жумла ижобий фикр билдирилмаса, тафтологик тарзда «Шарқ ахлоқи унақа, ахлоқий кадриятларимиз, анъаналаримиз бунақа» деб мақтанашга берилса, юмшоқ қилиб айтганда, ноҳолисликдир.

Оммавий маданиятни ҳолисона ўрганиш бизга ўзимизни, халқимиз маданиятини англашга ёрдам беради. Қараиш, мусиқа ва кўшиқчилик санъати қанчалик сийкалашиб кетган. Эртадан кечга радио ва телевидениеда ўлим-қўйдим мавзусидаги клиплар тинмайди. Хонанда бир қарасангиз Парижда Эйфель минораси ёнида, бир қарасангиз Озодлик тошгайкали олдиди, бир қарасангиз Мисрдаги пирамидаларга тикилиб ашула айтаётти, унга ўзини кўз-кўз қилиш муҳим. Хеч ким, шу жумладан, хонанданинг ўзи ҳам клип ва кўшиқ сифатида жавоб бермайди, радио ва телевидение эса «шавор-е!» деб кўрсатаверади. Ғарбда видеоклиплар мутахассислар кўригидан ўтказилади, ҳатто Бельгияда хаваскор ва профессионал видеоклипчилар фестиваллари уюштирилади. Бизнинг санъаткорларимиз индустрия аҳамиятини тушунмайди, унинг имкониятларидан фойдаланишга нўноқ. Томошалар ва кўрсатувларнинг эфирга узатувчи операторларимиз ҳам шундай. Улар жуда нари борса, объектни икки нуқтадан суратла олиш билан чекланади. Ваҳоланки, ҳар бир тадбири кизикари, нигоҳ ва диққатни жалб қиладиган, бетакор санъат даражасида узатиш мумкин.

Ўзбек халқи маданияти ичиди ҳам, худди Ғарб эътироф этаётганидек, элита, яъни очиликни қизиктирадиган ва маълум бир кишиларгина шугулланадиган санъат турлари мавжуд. Масалан, машҳур ёғоч ўймакорлари Абдулла Болтаев, Хайдар Нажиддинов, Қодиржон Хайдаров, қандакорлар Соҳиб Худойберганов, Уста Фозил, Мулла Солиқ, Шоди Мухаммад Баротбой, кулчилик Раимберди Матчанов, Музаффар Саидов яратган асарларни иккиланмай элита санъат дейиш мумкин. Улар иккидан давом эттириш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келвермайди, ҳамма ҳам уларнинг асарларини тўғри баҳолайвермайди. Элита санъати бетакорлиги, но-

ёблиги, алоҳида салоҳиятга талаб этиши, ягоналиги билан ажралиб турли. Ғарбда бундай санъат турларини баҳоловчи экспертлар мавжуд, бой-бадавлат харидорлар улар маслаҳатига мувофиқ санъат асарларини харид қиладилар. Базан бу асарлар миллион-миллион доллар турлади, харидор алданиб қолмаслик учун эксперт хизматидан фойдаланади. Бу ҳам, бизнинг фикримизча, Ғарбнинг ибратли тажрибаси. Ниқдор сифатга таъсир этади. Санъаткорлар сонининг кўпайиши санъат сифатини ҳам таъсир қиладигани ҳақиқат. Масалан, «Лазги» ни Комилжон Отанбеков айтганида борлигини титратиб, жулбушга келтирди. Сизни тушун хайлардан холи қилади, ҳаёт каби жўшқин яшашга қорлайди. Бутун «Лазги» нинг йиғирмага яқин ижроси «вратиди», аммо улар ҳаёт

ҳақида фикрлашга ундамайди, оёк-қўлларни бемаъни дақиллатишга қорлайди, хоҳос. Ушбу нусхаларнинг саъз фикрловчи ва санъат сирларидан узок ихлосмандлар учун, улардан осонгина пул ундириш учун яратилганини сезиш қийин эмас. Лекин бу «Лазги» халқ маданиятининг муҳим қисми эканини рад қилолмайди. Оммавий маданият, шу жумладан, халқ маданияти ҳам нусхаларни кўпайтиришни қўллаб-қувватлайди, улардаги мазмун-моҳиятини, услубнинг стилистичини ҳисобга олавермайди. Демак, шахсинг бадиий эстетик диди баҳоловчи мезонга, элита маданиятини оммавий маданиятдан фарқловчи мезонга айланади. Биз қанчалик дод-вой кўтармайлик, маданиятнинг оммавийлашувини тўхтолмаймиз, оммавий ёки халқ маданияти кўйинда яшаш бизнинг қисматимиздир. Глобаллашаётган дунё анъанавий ҳаёт тарзини, тасаввурларимиз ва ахлоқий меъёрларимизга таъсир этмай қолмайди. Биз глобал тарзда ўзгараётган дунёга мослашиб, ўрни келганида эса ўзлимизни асраб яшашга мажбуримиз. Муҳими, ўзимиздаги қандай ижобий фазилатларни эътиборга олувчи бўлсак, бошқалардаги ижобий ютуқлардан ҳам шундай шод бўлишимиз, улардан ўрганишдан тўхтамаслигимиз керак.



Виктор АЛИМОВ
фалсафа фанлари доктори

Тахририятдан: Муаллиф «оммавий маданият» тушунчасига таъриф бериш бораборида бу борадаги шахсий фикрини ҳам эркин тарзда баён этган. Шу сабабли кимдир унинг фикрига қўшилмаслиги, масалала бошқача нуқтаи назардан ёндашиши мумкин. Zero, ҳақиқат ҳам баҳсларда қарор топади. Марҳамат, фикр билдириш — газета ҳолис минбар вазифасини бажаришга ҳамини таяёр!

Хато энди такрорланмайди

Газетанинг жорий йил 2 июнь сониди чоп этилган «Жиноятчи...» — китоб» сарлавҳали мақоласида қайд этилган масалага «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қуйидагича муносабат билдирган:

SHARQ nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
Издательско-полиграфическая акционерная компания «SHARQ»
«Жиноятчи...» китоби
Баш муҳаррири Х. Эрматов

«Ishonch» ga javob beradilar

Газетанинг 2018 йил 21 апрелдаги «Жавоб излаган саволлар» саҳифасига «Тўй пули» сарлавҳаси остида чоп этилган савола Адила вазиригидан ушбу жавобни олдик:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
PRESS AND INFORMATION AGENCY OF UZBEKISTAN
«Ишонч» ва «Ишонч-Девон» газетлари Баш муҳаррири Х. Эрматов

Тўй пули берилмайди

Газетанинг 2018 йил 21 апрелдаги «Жавоб излаган саволлар» саҳифасига «Тўй пули» сарлавҳаси остида чоп этилган савола Адила вазиригидан ушбу жавобни олдик:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДИЛА ВАЗИРИ
МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
«Ишонч» ва «Ишонч-Девон» газетлари тахририяти

Тақдимот



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ашуралӣ Жўраевнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовга бағишланган «Одил Ёқубов хазинасидан» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Одил Ёқубов хазинаси

Асар илк сатрларидан оқувчини ўзига мафтун этади. Китобхон саҳифама-саҳифа Одил Ёқубов феноменини кашф қилади. Абдусалом Қўчимов, Иброҳим Ғофуров, Ёқуб Хўжамбердиев, Ғайрат Маждидов китобнинг мана шу жиҳатларида китобни тўхталиши. Ёзувчининг ўғли Малик Ёқубов адибнинг ота сифатидаги хусусиятлари ҳақида гапириб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жур-

налист Ашуралӣ Жўраев китобнинг тайёрлишини жараёни ҳақида сўзлаб, бу иш хали яқунланмагани, хотиралар бир неча китобга го бўлиши, бу китоб билан Одил Ёқубов сиймоси тўлиқ очилганини эътироф этди. «Табаррук адиб» номли ҳужжатли фильм намойиши эса тақдимотга ўзгача руҳ бағишлади. Мухайё ИСМОИЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Мамлакатимизда халқимизнинг тарихий, илмий ва маданий мероси, маънавий қадриятларини ўзида асраб келаётган кўплаб музейлар фаолият кўрсатмоқда. Улардаги ҳар бир ашё бой ўтмишимиз ва ривожланиб бораётган бугунимизни намоён этади. Ихтисослашган музейлар орасида Темир йўл техникаси музейи алоҳида ўрин тутди. Ушбу маърифат маскани МДХ мамлакатлари орасида ягона ҳисобланади.

Ўтмиш ва келажак туташган маскан

Мазкур музей икки гектарга яқин майдонни эгаллаган бўлиб, ундаги темир йўл техникаларининг аксарияти ўтган асрда ишлаб чиқарилган. Жумладан, музейдаги XIX-XX асрларда ишлаб чиқарилган паровозларнинг илк намуналаридан тортиб йўловчиларни ташини учун мўлжалланган тепловозларнинг турли авлодлари, икки қаватли йўловчи вағони сингари 50 дан зиёд нодир экспонатлар ўша даврнинг кундалик ҳаёти ҳақида кенг маълумот беради. Тошоабинлар музейдаги ҳар бир экспонатни ўзгача мароқ ва катта қизиқиш билан томоша қилишаркан. Эътиборга молик. Маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида бу ерга келган инсон вақтининг қандай ўтганини ҳам сезмай қолади. Ундан зиёд паровоз, йиғирмага яқин турли русумдаги

тепловоз, учта электровагон, турли хил вагонлар ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникалари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. 1914 йилда ишлаб чиқарилган 700 от кучига эга паровоз, 3000 от кучига эга «Победа» паровози музейдаги энг катта экспонатлардан бири саналади. Умуминсоний бойликка айланган бу ашёлар халқимизнинг ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос кўзгудир.

Қизикарлиси, мазкур паровоз ва тепловозлар ҳозир ҳам иш ҳолатида. Музей ҳудуди бўйлаб саёҳат қилиш учун махсус поезд катни ҳам йўлга қўйилган. Ўзбекистон темир йўллари тарихини босқичма-босқич эслатиб турувчи




фото-сурат ҳамда турли техник буюмлар, турли хил вагонлар ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникалари, темир йўл хариталари ва бошқа тарихий ашёлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу ерда турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларда мактаб ва ўрта-махсус таълим масканлари ўқувчиларига музей ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумот-

лар берилиб, мусикий ва бадий чикишлар уюштирилмоқда.

Йилнинг тўрт фаслида, очик осмон остида, қуёш-ў ёмғир қорда қад ростлаб турган ноёб техникаларнинг асл кўринишини асраб-авайлаш осон иш эмас. Шу сабабли бу ерда йилга икки марта реставрация ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Музейда ўзига хос микроклим яратилган.



Старт олганига ҳеч қанча вақт ўтмай Россия стадионларида бошланган бу галги Жаҳон чемпионати футболга бўлган муносабатга жиддий ўзгаришлар киритадиган, спортнинг энг оммавий турига нисбатан қизиқишни янги, янада юқори поғонага олиб чиқадиган кўринади.

Бошланиши чакки эмас

Кўрамиз — бу ёғи қандай кечаркин?



FIFA WORLD CUP RUSSIA 2018

Кўпни кўрган мухлислар яхши билишади: аввалги мундиалларда чемпионатни бошлаб берган учрашувда аксарият ҳолларда кичик ҳисоб қайд этилганди. Ҳаяжон зўрлигиданми ёки маъсулиятнинг кучли эканлигиданми, ҳар ҳолда ҳадиксирашга ўхшаш вазиятлар туфайли, таъбир жоиз бўлса, қандайдир нурсиз футболни кузатишдан бошқа чора қолмасди.

Кўтилмаган ҳол юз берди. Назорат учрашувларидаги ўйин савиясидан норози бўлган мутахассислар ва ашаддий ишқибозларни ҳайратга солиб майдон эгалари Саудия Арабистони дарвозасини жавобсиз беш бор ишғол қилиб, сансациялар занжирининг биринчи халқасини тақдим этишга муваффақ бўлди.

Бугина эмас. Чемпионатнинг уч кунни якунига кўра, белгиланган пеналтиларнинг иккитаси ҳавога соғурилди. Икки футболчи эса ўз дарвозасига гол уриб қўйди.

Яна сансацияларга қайтамиз. Кимсан Аргентина ўртаҳол жамоа ҳисобланмиш Исландия билан дурангга (ҳисоб — 1:1) имзо чекади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз. Бразилияни айтмайсизми?! Швейцария билан 1:1 ҳисобида ўйнаб, чемпионатга қандай юксак мақсадлар билан ташриф буюрганини исботлаб олмади ўтирибди! Германия эса...

Очиги, буни ҳеч ким қутмаганди. Ҳатто мексикаликларнинг ўзи ҳам. Амалдаги чемпион учун гарчи кичик ҳисоб билан бўлса-да, мағлубиятга учраш ўта аламлик эканлигини, албатта, тушуниш мумкин.

Ҳаммасидан ҳам оммавий ахборот воситаларида тарқалган мана бу антика хабарни айтмайсизми?! Эмишчи, мексикаликлар рақиблари дарвозасига киритилган голни шу даражада бақириб-чақириб, тинимсиз ва ёпасига сакрашлар билан кутиб олгани 2 баллик зилзилага олиб келибди! Мана буни футбол, мана буни олқишлаш деса бўлади...

Бошқа ўйинларга нисбатан ҳам кўплаб хайратомуз фикрларни айтиш мумкин. Хабарингиз бор, Португалия ва Испания терма жамоалари ўртасидаги учрашув 3:3 ҳисобида ҳақиқий маънода жанговар дуранг билан якун топди. Пириней ярим оролида жойлашган қўшни давлатлар «чарм тўп» усталари бутун дунёга футбол қанақа бўлишини кўрсатиб қўйишди. Айниқса, мохир ҳужумчи Криштиану Роналдунинг юлдузи чараклаб порлади. У ҳар уччала гол муалли-

фика айланди ва чемпионатда биринчи хет-трикка эришди.

Дарвоқе, мундиалнинг амалга оширилган биринчи пеналтиси ҳам Роналдуга тегишли. Энг қизиги, иккинчи пеналтни ижро этишда Аргентинанинг биринчи рақамли футболчиси Лионель Месси оксоқликка йўл қўйди. Унинг тепган тўпни Исландия терма жамоаси дарвозабони бартафат этиб, учрашув қаҳрамонига айланди.

Икки футболчи эса... Марокаш ва Эрон термалари ўртасидаги тигиз ва муросаси баҳсада африкалик ҳимоячи Азиз Бухаддузинг ўз дарвозасини боши билан ишғол қилиб қўйиши туфайли 0:1 ҳисобидagi ачинарли мағлубият қайд этилди.

Худди шундай ҳолат хорватияликлар билан кечган ўйинда Нигерия терма жамоаси аъзоси Этебо билан ҳам юз берди.

Чемпионатга яна бир янгилик амалда ҳаётга тағбиқ этилди. Яъни, икки марта видеотакрор аралашуви билан ҳакамлар ўз қарорини ўзгартириб, ўйин қондаси бузилгани учун пеналти белгилади. Австралия билан кечган учрашувда французлар бу имконият беш бор ишғол қилиб, чемпионатга қандай юксак мақсадлар билан ташриф буюрганини исботлаб олмади ўтирибди! Германия эса...

Ўз-ўзидан савол туғилади. Жорий этилган янгилик ҳакамлар нуфузига салбий таъсир этмайди? Ким билсин, адолат қарор топшиши учун бу фақат яхшиликка хизмат қилар.



Шақ-шубҳасиз, ўйинларнинг савияли ўтиши ҳакамларга бевосита боғлиқ бўлиб, бу жиҳатдан биз ҳамюртимиз Равшан Эрматов билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.


— Равшан ака шу пайтгача 9 та учрашувни бошқарган, — дейди ФИФА рефериси Ахрор Рисқуллаев. — Бу — рекорд натижа. Ўз-ўзидан тушунарлики, ушбу рекорд яна янгиланади: 11 тами, 12 тами, балки ундан ҳам кўпроққадир.

Биз эса Равшан Эрматовнинг биринчи рақамли ҳакам сифатида эътироф этилишига чин дилдан тиллақдошимиз.

Дастлабки ўйинларни кузатган мухлислар, ўйлашимизки, маълум даражада тегишли хулосаларни чиқариб олишди. Кўриб турибимизки, Ўзбекистон термаси ҳам бемалол ушбу кучли ўттиз иккиталиқдан жой олишга ҳақли экан. Таассуфки...

З.РИХСИЕВ

Ҳаёт манбаи ҳисобланган сувнинг турфа хусусияти, ундан тўғри фойдаланиш ва истеъмол қилиш борасидаги қизиқарли маълумотларга кундалик фаолиятимизда кўп бор дуч келамиз. Зотан, ҳидсиз, таъмсиз, рангсиз ва шаффоф суюқлик шаклидаги ушбу мўъжиза тўғрисида халқ ҳақими Абу Али ибн Сино шундай деган: «Инсон жонланган сувдир, қариллик эса қуруқлик». Бу айни ҳақиқат.



Долзарб мавзу

олмайди. Аммо инсониятнинг бу борадаги эҳтиёжи ва мавжуд бўлган захиралар ўртасидаги мутаносиблик аллақачон долзарб муаммага айланган. Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамиздаги сув захираларидан 2,5 фозизгина ичиш учун яроқли. Шундан 0,5 фозидан инсоният ўз манфати йўлида фойдаланмоқда. Ичимлик сувидан фойдаланиш даражаси аҳоли сонининг кўпайиши билан бевосита боғлиқ. Лекин аҳоли сони сарф қилинадиган сувнинг миқдорида доимо мутаносиб бўлавермайди. Масалан, ривожланган Европа мамлакатларида аҳоли сонининг камайиши кузатилаётган бир пайтда, ичимлик сувидан фойдаланиш коэффициентини юқоридаб бораётиши. Бундан 40-50 йиллар муқаддам Тошкент шаҳрида сув истеъмол қилиш миқдори карийиб 5 баробар кам бўлиб, аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондира олган. Тоша ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши аслида аҳоли кўпайиши туфайли эмас, аввало, кишиларда тозалик, сановатда тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжнинг қучайиб бориши, иккинчидан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш даражасининг су-сайиши натижасида рўй бермоқда.

ОБИ ҲАЁТНИ ТЕЖАШ — ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Қайси мамлакатда ривожланиш қанчалик юқори бўлса, ўша ерда сувдан оқилона фойдаланиш даражаси ҳам ўсади. Сувдан фойдаланишнинг илғор технологиялари ишлаб чиқилади ва уни тағбиқ этиш имконияти кенгайди. Бир стакан апельсин шарбатини ичиш учун апельсин дарахти тағига 50 стакан сув қуйиш керак экан. Олимларнинг ҳисоб-китоби шуни кўрсатмоқдаки, дунё микёсида сўнгги юз йилда сув сарфи олти маротаба ошган. Ҳозир дунё микёсида 1,1 миллиард нафар инсон доимий равишда сув танқислигидан азият чеқмоқда. 2 миллиард нафар одам бу муаммага вақти-вақти билан рўбарў келмоқда. Бу сайёрамиз аҳолисининг яри чучук сувга муҳтож эканидан далолат беради. Ҳар кун 6000 нафарга яқин одам (асосан болалар) бу муаммонинг муайян оқибатлари туфайли ноубуд бўлмоқда. Ҳозирданок дунёдаги аҳолиси 10 млн. нафар кишидан ортик 22 мегаполис ичимлик суви танқислиги ва оқова тизимлар етишмаслигидан азият чеқмоқда. Шу боис сув, яъни ердаги оби ҳаётнинг бир томчиси, катрасини уби қилмаслик, уни беҳуда сарфламаслик барчаннинг зиммасидаги улкан маъсулиятдир.

МУАММО ЎЗИМИЗДА

Сайёрамизнинг 70 фозиси сув билан қопланган. Унинг катта қисми бутунлай музлаб қолган ёки истеъмол учун яроқсиздир. Ердаги чучук сувнинг деярли учдан икки қисмининг Антарктида музликлари ташкил этади. Ердаги қўллар ва дарёларда тахминан 85 минг километр куб сув оқади, бу сувлар у ёки бу жиҳатдан инсонга таъсир кўрсатади.

Сув ўрнини бошқа ҳеч бир нەзъмт боса



минологик жиҳатдан хавфсиз бўлиши керак. Сувда касаллик кўзгатадиган бактерия ва вируслар бўлмаслиги талаб этилади.

Озода РЎЗИҚУЛОВА «Ishonch»

ЭНГ СОДДА БИРИКМА

Ер юзининг карийиб тўртдан уч қисми, яъни 71 фозини ташкил қилувчи сув водород (11,19 фоз) ва кислород (88,81 фоз) дан иборат энг содда кимёвий бирикмадир. Барча тирик жонотлар организмдаги сув Ер юзидagi дарёлар сувининг ярмига тенг. Кислороднинг учта, водороднинг иккита барқарор изотопи борлиги туфайли 9 та турлича изотопли сув маълум.

Салқинлик ва намлик таъсир этувчи сув XVIII асрнинг охиригача индивидуал кимёвий элемент деб келинган. 1781-1782 йилларда инглиз олими Г.Кавендиш сувни илк бор водород ва кислород аралашмасини электр учкунни билан портлатиб синтез қилган. 1783 йили француз олими А.Лавуазе бу тажрибани такрорлаб, сувнинг водород ва кислороддан таркиб топганини тасдиқлади.

ТАНАМИЗ ДЕЯРЛИ СУВДАН ИБОРАТ

Одам танасидаги барча суюқлик ва тўқималар таркибида 65 фоз миқдорда сув бўлади. Одам оқликка бир ойдан ортиқроқ чидashi мумкин, лекин сувсизликка бир неча кундан зиёд чидай олмайди.

Инсон танасининг 70-75, миёнининг 90, қоннинг 95, суякнинг 31, терининг эса 64 фозиси сувдан иборат. Организмимиз ўзини ўзи таъминлаш учун сувни ҳужайра таркибидаги суюқлик ва қондан олади. Тиб илмининг сўлтони Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, энг тирик сув тоғ булогидан отилиб чиқиб, қуёш нуруни эмган, тунда юлдуз «кўрган», турли тошлар устидан уюрма бўлиб оққан сувдир. Инсон ҳаёти давомида 50 тоннадан ортик сув истеъмол қилади. Газсиз, дистилланмаган, хлор ва токсик моддаларсиз сув инсон организм

учун қони фойда. Одамнинг сувга бўлган физиологик эҳтиёжи, клим шароитига қараб, суткасига 3 — 6 литрни ташкил этади.

Томчида ҳаёт бор!

УЗОҚ УМР СИРИ

Дунё мамлакатлари ичида Япония халқининг узок умр кўриши айнан сув билан боғлиқ. Окинава, Токуносома каби қизил маржон сув ўтлари ўсувчи ороллардан олинadиган океан суви кальций ва мағнийга жуда бой бўлиб, унинг таркибида инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементлар мавжуд. Япониялик олим Эмото Массару сувнинг ҳар хил ташқи таъсирни сезиши ва хотирасида сақлаши юзасидан тажриба ўтказган. Тадқиқотда табиий, турли салбий нарсалар билан ифлосланмаган сув ҳақиқатан ҳам инсон саломатлигига ижобий таъсир этиб, соғлигини мустаҳкамлаши ва қучига қуч қўйиши исботланди.

Аҳоли ашайдиган масканларнинг санитария маданияти сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Одамлар соғлиги ва санитария-гигиеника яшаш шароитига бевосита ёки биливосита салбий таъсир этиши хавфининг олдини олишда сувдаги кимёвий моддаларнинг юқори бел-

Ҳикмат

Камёблик ҳар бир нарсанинг қадрини оширади. Агар ҳар бир қарич ерда дур учраса ҳам оёқ остида топталиши турган гап. Камёблик туфайли энг оддий нарсалар ҳам қимматбаҳо ҳазинага айланган. Масалан, Ливия чўлларида табииятда азоб чеқкан одамлар Рум саркардасининг нафтидаги озгина сувга ҳам ҳасад билан қарашган.

ПЕТРАРКА

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
 Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бўхоро кўчаси, 24-уй.
 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрқон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
 АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
 банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
 Андижон — (+998-91) 475-23-60
 Бухоро — (+998-93) 653-50-81
 Жиззах — (+998-91) 943-67-44
 Наманган — (+998-90) 260-50-77
 Навоий — (+998-93) 314-13-03
 Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
 Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
 Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
 Фарғона — (+998-90) 991-55-71
 Хоразм — (+998-90) 719-48-00
 Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланиши мумкин.